Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№57-58 (406-407)
2020 йил 24 июль, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz



## ПАНДЕМИЯНИ ЖИЛОВЛАШДА МАРДОНА КУРАШАЁТГАН ФИДОЙИ ШИФОКОРЛАРИМИЗГА ҲАР ҚАНЧА РАҲМАТЛАР АЙТСАК АРЗИЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши аввалида мамлакатимиз пандемияга қарши қандай кураш олиб бораётганига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Хусусан, ҳозирда COVID-19 юқтирганлар сони 18 минг 700 нафардан ошгани, вазият ҳамон жиддий бўлиб қолаётгани таъкидланди.

– Аҳволи оғир беморлар сони кўпайиб бормоқда, – деди давлатимиз раҳбари. – Коронавирусга қўшимча равишда пневмония ҳолатлари ҳам кенг тарқалмоқда. Шу сабабли, охирги 10 кунда 4 та селектор ўтказиб, ҳокимлар, вазирлар ва бошқа мутасадди раҳбарларга қўшимча даволаш ўринларини ташкил этиш, симптомсиз касалларни уйда тизимли даволаш, уларни зарур дори-дармон ва озиқ-овқат билан таъминлаш, тез тиббий ёрдам тизими ишини яхшилаш бўйича тегишли топшириқлар берган эдим. Бугун ҳисоботларни эшитамиз.

Шавкат Мирзиёев ҳозиргача амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритар экан, охирги кунларда коронавирусни даволаш учун қўшимча 46,5 мингта ўрин ажратилгани, яна 31 мингта ўрин ташкил этилиши, 397 та тез тиббий ёрдам машинаси харид қилингани, бир ой муддатда яна 409 та машина жойларга етказилишини таъкидлаб ўтди.

– Халқаро ва маҳаллий тажрибани ҳисобга олиб, коронавирусни даволаш стратегияси ва тактикаси янгиланди, – деди Президент. – Тиббиёт олий ўқув юртлари ва коллежлари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар ва пенсияга чиққан мутахассислар орасидан жами 5 мингта врач ҳамда 9 мингта ҳамшира беморларни даволаш ва маслаҳат беришга жалб этилди.

– Шу ўринда ўз ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, касалликка қарши мардона курашаётган фидойи шифокорларимизга ҳар қанча раҳматлар айтсак, арзийди. Бугун коронавирус пандемияси шароитида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва ҳаётини асраш, юртимизда инфекцияни жиловлашда улкан жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатган бир гуруҳ тиббиёт, ички ишлар, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Миллий гвардия ходимларини ва бошқа ташкилотчиларини фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонни имзоладим, – деди давлатимиз раҳбари.

Олдинда бундай мукофотлар кўп бўлиши таъкидланди. Бу курашда ўзини аямай меҳнат қилаётган барча тиббиёт ходимлари албатта муносиб тақдирланади.

– Биз пневмонияни даволашда нафақат ўзимизнинг шифокорлар, балки видеоалоқа орқали хориждаги етакчи мутахассисларни консультация беришга жалб қиляпмиз, – деди Шавкат Мирзиёев. – Ҳозирги вақтда германиялик тиббиёт профессори юртимизга келиб, даволаш жараёнларида бевосита иштирок этмоқда. Бугун Туркиядан бир гуруҳ профессорлар етиб келади. Бошқа давлатлардан ҳам энг тажрибали мутахассисларни жалб қилиш бўйича иш олиб боряпмиз.

Президентимизнинг қайд этишича, бугунги кунда энг муҳим вазифа аҳоли ўртасида вирус занжирини узиш ҳисобланади. Бунинг учун карантин талабларига сўзсиз амал қилиш, уларнинг иммунитетини мустаҳкамлаш, соғлиғини асраб-авайлаш, ҳар бир инсоннинг ҳаёти учун курашиш зарур.

Шу муносабат билан, шунингдек, касаллик юқтирилишининг олдини олиш, ўлим ҳолатларини кескин камайтириш мақсадида Республика махсус комиссиясининг амалдаги карантин чекловларини узайтириш таклифига розилик билдирилди.

Бунда «Пандемияга қарши кураш – ҳар биримизнинг виждон ишимиз», «Ўзим, оилам, фарзандларим соғлиғи учун аввало ўзим жавобгарман», деган фикрларни халқимиз онгига чуқур сингдириш ва амалий ҳаёт мезонига айлантириш лозимлиги таъкидланди.

Бугун пандемияни жиловлашда ҳокимликлар, секторлар, соғлиқни сақлаш, ички ишлар идоралари раҳбарлари ва ходимлари, маҳалла фаоллари, нуронийлар зиммасида жуда катта масъулият турибди. Чунки аҳолининг аксарияти, кексалар, болалар, хотин-қизлар уйда ўтиришга мажбур. Уларнинг биринчи галдаги ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш, тегишли тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш айнан ана шу ташкилотларга ва фаолларимизга боғлиқ.

– Барчамиз ҳамжиҳатликда, чуқур масъулият билан тизимли ишласак, бу оғир синовларни албатта енгамиз. Яна бир бор такрорлайман, бугунги кундаги энг муҳим талаб – барчамиз пандемия шароитида яшаш ва ишлашга ўрганишимиз шарт, – деди Президент Шавкат Мирзиёев.

**ЎзА.**

МУНОСАБАТ

## Соҳа олдидаги вазифалар белгиланди

Мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами йил сайин кенгаймоқда. Узоқни ўйлаб, ҳудудларда урбанизация жараёни амалга ошириляпти. Қишлоқ жойларда ҳам қурилиш ишлари жадал кетмоқда.

**Булар, албатта, соҳани такомиллаштириш, шаффофликни таъминлаш, ипотека бозорини ривожлантиришни тақозо этади. Охирги уч йилда шу масалалар бўйича Давлатимиз раҳбарининг 40 га яқин қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 июль куни архитектура ва қурилиш соҳасидаги ислоҳотлар натижаларига оид тақдимот билан танишди. Бўлиб ўтган йиғилишда амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, олдинда қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.**

**ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР**

- ЯНГИ ҚУРИЛИШ НОРМАТИВ БАЗАСИНИ ЯРАТИШ
- ШАФФОФ ҚУРИЛИШ МИЛЛИЙ АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
- DOING BUSINESS



*Батафсил 2-саҳифада.*

## ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 июль куни видеоселектор йиғилиши ўтказди. Унда қишлоқ ва сув хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва бозор муносабатларини янада ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан бошлаб, қайта ишлаш ва экспортдан қўшимча даромад олишгача бўлган жуда кўп масалалар айнан қишлоқ хўжалиги ривожи билан боғлиқ. Шунинг учун давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиб, бозор механизмларини жорий этиш, резерв ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилишга киришилди. Президентнинг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан қабул қилинган Қишлоқ хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясида бу борадаги энг долзарб ва истиқболли вазифалар белгилаб берилди.

Соҳани модернизация қилиш бўйича 500 миллион долларлик лойиҳани амалга ошириш юзасидан Жаҳон банки билан келишувга эришилди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта илм ва инновацияни ривожлантириб, тармоқда бошқарувни халқаро стандартлар асосида ташкил этишга маблағ йўналтирилмоқда.

Йиғилишда биринчи навбатда айнан шу масалаларга эътибор қаратилди. Аграр соҳа ривожланган давлатларда қўлланилаётган «Қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни ўз ичига олган хизматлар тизими»ни юртимизда ҳам жорий этиб, илм билан ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Мазкур лойиҳа доирасида шу йўналишдаги 8 та илмий-тадқиқот институти, шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибидаги бир қатор ташкилотлар фаолияти тубдан ислоҳ қилиниб, замонавий лабораториялар ва ускуналар билан жиҳозланади. Бунинг учун Жаҳон банкининг 124 миллион доллар инвестицияси ва Европа Иттифоқининг 2 миллион доллар грант маблағлари йўналтирилади.

Бош вазир ўринбосари Ўктам Барноевга халқаро экспертлар билан бирга илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, уларни тубдан такомиллаштириш бўйича ҳар бир институт учун алоҳида «йўл харитаси» ишлаб чиқиш топширилди. Бу муассасаларга замонавий билимга эга, илмий янгиликларни амалиётга жорий қиладиган салоҳиятли кадрларни жалб этиш муҳимлиги айтилди.

– Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бу имкониятдан тўғри фойдаланган ҳолда, эскича ишлаш услубидан тўлиқ воз кечиб, фермерларга яхши хизмат кўрсатиш ва янги сервис турларини кенгайтиришга ўтиши керак. Бир сўз билан айтганда, вазирлик ва унинг таркибидаги ташкилотлар фаолияти трансформация қилиниши зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Рақамли технологиялардан фойдаланилаётган лойиҳалар самарадорлиги қайд этилиб, бу борадаги ишларнинг бориши муҳокама қилинди.

Мева-сабзавотчилик кооператив ва кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 212 миллион доллар ажратилиши белгиланган.

*(Давоми 2-бетда)*




SHIVAKI
www.shivaki.uz

- Chillerlar va fankoyllar
- Kanalli konditsionerlar
- Issiqlik rekuperatsiyasiga ega VRF tizim
- Multi-split tizim
- Havoni qayta ishlovchi qurilma
- (AHU pritochkasi)
- 1*1 kassetali konditsionerlar
- Monoblok sovutish tizimlari va split
- Sovutish tizimlari
- Ventilyatsion tizimlar diffuzori

BEPUL LOYIHALASHTIRISH

+99871 202-22-20 +99899 010-00-30

# ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Президент ички бозорни арзон маҳсулотлар билан таъминлаш, «даладан истеъмолчигача» тизимини жорий этишда мева-сабзавотчилик кластерлари асосий драйвер бўлиши кераклигини таъкидлади.

Шу боис, ажратилаётган маблағни тўғри йўналтириб, бир сўмни икки сўм қиладиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш, бунинг учун маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва экспортга тайёрлаш қувватларини оширишга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Туманларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бу борада Жиззах вилояти намуна бўлиб, келгуси уч йилда вилоятда қарийб 120 минг гектарга яқин ер ўзлаштирилиши, боғ ва токзорлар ташкил қилиниб, мойли экинлар экилиши режалаштирилган.

Бу тажрибани босқичма-босқич барча ҳудудларда жорий қилиш, ҳар бир туманда кўпи билан 3-4 та экспортбоп ва юқори даромад берувчи маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

2021 йил якунигача 3 минг гектарда плантация шаклида интенсив боғлар барпо этиб, янги тартиб асосида аҳолига 1-1,5 гектардан тарқатган ҳолда, 2-2,5 минг оиланинг бандлигини таъминлаш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда сувдан оқилона фойдаланиш масалалари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 10 июлдаги фармони билан тасдиқланган Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида бу борадаги барча жиҳатлар белгилаб берилган. Жумладан, каналларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш ҳамда 2 миллион гектарда сув тежовчи, шундан 600 минг гектарда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш ҳисобига йилига 7 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш кўзда тутилган. Шунингдек, рақамлаштириш ҳисобига электр энергияси сарфини 2 миллиард киловатт соатга қисқартириш каби кўрсаткичлар белгиланган.

Сув хўжалиги вазирлиги бу вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаши, халқаро экспертларни жалб қилиб, янгича услубда ишлаши зарурлиги таъкидланди. 2025 йилга қадар соҳани тўлиқ рақамлаштириш, жумладан, сувни назорат қилиш ва ҳисобини онлайн тарзда юритиш бўйича дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Президентимиз ғалла етиштириш якунларига тўхталиб, шундай мураккаб шароитда ҳам дала меҳнаткашлари омилкорлик билан 6 миллион 400 минг тоннадан ортиқ ғалла ҳосили етиштирганини таъкидлади. Бунинг учун барча фермер, деҳқон ва кластерларга халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдирди.

Видеоселекторда, шунингдек, ғўза парвариши бўйича агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳамда такрорий экинлар экиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

– Умуман олганда, қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш ва соҳада бозор иқтисодиётини кенг жорий этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, устувор вазифалар белгилаб берилган. Уларнинг ижроси мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигига, энг асосийси, халқимизнинг кайфияти ва турмуш тарзига таъсир кўрсатадиган жуда муҳим масала, – деди Шавкат Мирзиёев.

Соҳа мутасаддилари ва ҳокимлар топшириқлар ижросини ташкил этиш, айтиб ўтилган камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирлари юзасидан ахборот берди.

Йиғилиш сўнггида давлатимиз раҳбари яна бир бор пандемия масаласига тўхталди:

– Яна бир марта халқимизга мурожаат қилиб, илтимос қилмоқчиман. Ўтган даврда жуда катта тажриба орттирдик. Кейинги пайтларда иқтисодиётимизни тиклаш учун карантин тартибини юмшатдик, лекин касалланганлар ва ўлимлар сони кўпайгани бизни, албатта, катта ташвишга солмоқда.

Ўзимизни, фарзандларимизни, азиз ота-оналаримизни асрайлик. Фақат ва фақат соғлиғимизни ўзимиз асраб, оила аъзоларимизни, қариндошларимизни соғлиғига огоҳ бўлиб, йиғинларни камайтириб, карантин нормаларига риоя қилсак, касалликни жиловлаб оламиз.

**ЎзА.**

**Оролбўйининг барча ҳудудларида бўлгани каби Бўзатов туманида ҳам кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.**

# Давлат хизматлари маркази янги бинода иш бошлайди





Бир қанча янги иншоотлар фойдаланишга топширилиб, яна қатор ижтимоий, маданий, иқтисодий объектларда қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Давлат хизматлари марказининг янги икки қаватли биноси қурилишига «Бахит-Миратдин қурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг 60 га яқин ишчиси жалб этилган.

Бунёдкорларнинг ғайрати сабаб, шу кунгача бинода темир-бетон ўрнатиш, ғишт териш, иссиқлик, электро-монтаж, ичимлик сув линияларини тортиш ва сувоқ ишлари якунланди. Ҳозирда ички деворларга пардоз бериш, эшик ва дераза ромларини ўрнатиш, бино атрофини ободонлаштириш каби юмушлар бажарилмоқда. Янги бино тез кунларда фойдаланишга топширилади.

**Суратларда:** Бўзатов тумани қурилаётган Давлат хизматлари маркази биносида.

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

# Соҳа олдидаги вазифалар белгиланди



*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Архитектура ва қурилиш соҳаси истиқболига бағишлаб ўтказилган видеоалоқа тарзидаги тақдимотда Президент томонидан олдинги йиғилишларда қўйилган топшириқ ва вазифалар ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Албатта, олдимизга қўйилган топшириқлар бажарилмоқда, бироқ эътибор қаратишимиз керак бўлган жиҳатлар кўплиги, муаммолар ҳам мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Давлатимиз раҳбари мавжуд муаммоларга қандай ечимлар қилиш, келгусидаги ишларни қай кўринишда ташкил этиш бўйича аниқ йўналишларни белгилаб берди. Шундан келиб чиқиб, эндиликда, тақдимотда кўрсатилган вазифаларга қўшимча тарзда ишлар амалга ошириб борилади.

Бу борадаги биринчи бажарилиши лозим бўлган вазифа – қурилиш соҳасидаги шаҳарсозлик нормаларини янгилашдир. Айни масала ҳозирги кунда долзарб бўлиб турибди. Президентимиз соҳа мутасаддиларининг олдига ижтимоий объектлар, мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблар, соғлиқни сақлаш муассасаларининг қурилишига алоҳида эътибор бериш ва сифатини сезиларли тарзда ошириш, замонавий кўринишга олиб келиш бўйича ҳам вазифалар қўйди. Масалан, кўп қаватли мактабларни қуриш, уларни замонавий ўқув дастгоҳлари билан таъминлаш, архитектура ва қурилиш нуқтаи назаридан сифатини оширган ҳолда нархларни арзонлаштириш тамойилларига эътибор берилади. Бунга эришиш учун эса биринчи навбатда, нормативлар борасидаги ишларни жадаллаштириш дунё тажрибасидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидланди. Қолаверса, йиғилишда кундан-кунга ер ресурслари чекланиб бораётганидан келиб чиқиб, 16 ва ундан юқори қаватли уй-жойларни қуриш, уларнинг маиший ва коммуникация тармоқларига тез ва сифатли уланишига рухсат беришни нормативларга киритиб, биноларни, асосан чет давлатларнинг тажрибаси асосида мустаҳкам қилиб қуришга катта эътибор қаратиш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди. Бу бўйича ҳозирги кунда, вазирлик ҳузуридаги Қурилишда техник меъёрлаш марказига АҚШда ўқиган ва у ердаги ташкилотларда фаолият юритиб тажриба орттирган, PhD даражасини олган 15 нафар ёш мутахассислар жалб қилинган. Шу билан бир қаторда, ҳозирда Европа Иттифоқининг Еврокодларини мамлакатимизда татбиқ этиш мақсадида халқаро миқёсда Еврокомиссия билан Келишув тузиш бўйича ишлар бошланган. АҚШнинг IBC кодларини Ўзбекистонда татбиқ этиш бўйича Кореянинг KICT компанияси билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган. Марказ ходимлари томонидан Еврокодлар тизим структураси ўрганилмоқда, Еврокодларни миллий меъёрлар билан уйғунлаштириш бўйича таҳлиллар олиб борилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, Президент фармонига асосан мамлакатимиз ҳудудида 2028 йил 31 декабрга қадар қурилиш соҳасида меъёрлашга доир миллий норматив ҳужжатлар билан бир қаторда хорижий норматив ҳужжатлар хусусан, Европа Иттифоқининг (**EC**), Буюк Британиянинг (**BS**), Хитой Халқ Республикасининг (**GB, CJ, JC, JG**), Корея Республикасининг (**KBC**), Россия Федерациясининг (**СНиП**), Америка Қўшма Штатларининг (**IBC**), Япониянинг (**JIS**) нормаларини миллий норматив ҳужжатларга номутаносиб бўлган қисмлар учун компенсацияловчи чоралар кўрилган ҳолда қўлланилишига рухсат этилган.




Шунингдек, тақдимотдаги яна бир муҳим масала бу – қурилиш соҳасини рақамлаштириш. Айни масала бўйича Давлатимиз раҳбари олдинги йиғилишларда вазифалар қўйган эди. Шундан келиб чиқиб, ишлар ташкил қилинмоқда. Хусусан, рақамлаштиришни жадаллаштириш ва бунда асосий эътиборни нимага бериш масалалари ҳам айтиб ўтилган эди. Тақдимот жараёнида ушбу йўналишда ҳозиргача амалга оширилган ишлар кўрсатиб ўтилди. Шу билан бир қаторда соҳани рақамлаштириш борасидаги камчиликлар ҳам яққол намоён бўлди.

Ҳозирги кунда соҳани рақамлаштириш жараёнида қурилиш объектларидаги сифатни назорат қилиш механизми биринчи ўринга чиқмоқда. Бунда назорат инспекторларининг ҳар бири планшетлар билан таъминланяпти. Улар бугунги кунда Тошкент шаҳрида тест режимида ўз фаолиятларини олиб бормоқда. Тизимнинг яна бир қулай томони Қурилиш вазирлиги бу портал орқали инспекторларнинг ишини кузатиб туришлари мумкин бўлади. Бу инспекторларнинг иши бир хил тақсимланишига ва уларга қулайлик яратилишига, энг асосийси коррупциянинг олдини олишга хизмат қиладиган тизим. Ушбу портал яқин кунларда тест тариқасида бошқа вилоятларда ҳам ишлай бошлайди. Инспекторларни рақамли ишлашга ўргатиш мақсадида ўқув машғулотлари ташкил қилинмоқда. Бу нима беради? Бу коррупциянинг олдини олади, тезлик ва сифатни сезиларли даражада оширади.




Қолаверса, ўтказилган йиғилишда лойиҳаларнинг экспертизасини рақамлаштириш борасида ҳам Президент Шавкат Мирзиёев томонидан аниқ топшириқлар белгилаб берилди. Ҳозирги пандемия шароитида бу жараён анчайин тезлашиб ҳам кетди. Ҳар бир лойиҳа рақамлаштирилган ҳолда масофадан кўриб чиқилиб, камчиликларни бартараф этиш учун масофадан туриб лойиҳа институтларига кўрсатмалар берилмоқда. Лекин янги нормативларни қўллаган ҳолда иш олиб боришни тизимли йўлга қўйиш бўйича ҳам кенгайтирилган топшириқлар берилди. Эндиликда, мазкур топшириқлар яхшилаб ўрганиб чиқилади ва жойларда ўқувлар ташкил қилиниб, ҳар бир лойиҳа экспертизаларининг, бунда давлат ва нодавлат лойиҳа экспертизаларининг ягона базаси яратилади. Шунда, нодавлат экспертизалар ҳам ўзининг жавобгарлигини ҳис қилади. Экспертизадан ўтказилган ҳар бир лойиҳа ушбу базада сақланиб қолади. Хоҳлаган вақтда уни кўра билиш учун имкон туғилади. Бу нима беради? Бу – ҳар бир экспертнинг жавобгарлигини оширади ва шаффофликни таъминлайди. Коррупциянинг олди олиниб, энг асосийси ҳар бир эксперт лойиҳалари экспертларга бир хил тақсимланади. Масалан, Тошкентдаги бир лойиҳани олиб, агар шаҳар экспертлари банд бўладиган бўлса, ё водийдаги, ё воҳадаги экспертни бандлик даражасига қараб туриб, унга йўналтириш мумкин. Шунда экспертиза ишларини айнан қайси эксперт қилаётгани ноаниқ қолади. Яъни, лойиҳачи билан бевосита мулоқот қилиш имкони бўлмайди. Бу орқали том-том маълумотларни қоғозга чиқариш, альбомлар тайёрлашга ҳожат қолмайди. Лойиҳалар электрон кўринишда жўнатилгандан кейин ундаги камчиликлар ҳам электрон шаклда аниқ-равшан кўриниб туради. Лойиҳалар экспертизаси тезлашиб, сифати ошишига, хизматнинг арзонлашишига ва энг муҳими қимматли вақт тежалишига эришилади.




Яна кўплаб ўзгаришлар кутилаётган тизимлардан бири бу – тендер савдоларидир. Айни мавзу жуда кўп муҳокамаларга сабаб бўлган. Ушбу йўналишда ҳам тақдимот ўтказилди. Шу вақтгача амалга оширилган ишлар натижасида тендер тизимида вақтни икки баробарга тежаш имкони яратилди. Топшириладиган ҳужжатлар 14 тадан 6 тага қисқартирилди. Энди бундан буён тендердаги асосий жараёнлар рақамлаштирилган ҳолда олиб борилади ва энг асосийси тизим 24 соат, бир ҳафтада 7 кун давомида тўхтовсиз иш олиб борилади. Бунда пудрат ташкилотлари исталган пайтда қатнашиб, лойиҳаларни юклаб олиб, нархларини киритиб, танлов саводаларида қатнаша олади.




Давлат раҳбари томонидан рейтинг тизимини ишлаб чиқиш бўйича ҳам топшириқлар берилди. Ҳозирги кунда рейтинг тизими ишлаб чиқилган. Рейтинг тизимида пудрат ташкилотлари тоифалари аниқ кўрсатилган бўлиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда ишчиларни касбга йўналтириш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Бундан кейин ҳар бир корхонанинг ишчиси касби ва билим даражасига қараб баҳоланади. Шунга мос тарзда 2021 йил 1 январдан бошлаб меҳнат дафтарчалари ҳам тўлиқ электронлашиб, улар рейтинг тизимига боғланади. Бундан ташқари, рейтинг тизими Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Статистика қўмитаси билан ҳам боғланади. Натижада қурилиш корхонаси ҳақидаги солиқ тўлови ва қилинган ишлар ҳақидаги маълумотлар тизимга электрон кўринишда келиб тушади. Ушбу ташкилотлар ўзларининг бир ой давомида қилган ишлари, айланма пул маблағлари ҳақида тақдим этган маълумотлари юқоридаги қўмиталар томонидан рейтинг тизимига мунтазам киритиб борилади. Худди шу мезонлардан келиб чиқиб, пудрат ташкилотлари баҳоланади ва рейтинг кўрсатичлари асосида танлов савдоларида иштирок этишлари мумкин бўлади. Энди буюртмачи томонидан пудрат ташкилоти белгилаб берилмайди, балки шаффоф электрон тизим орқали энг муносиби танлаб олинади. Демак, рақобат кучайиб, пудрат ташкилотлари рейтингда юқори кўрсаткичларга эришиш учун ҳаракат қиладилар. Ҳозирги кунда пудрат ташкилотларини бунга тайёрлаш, ўқитиш, малакасини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Илғор давлатларнинг тажрибасини ўрганган ҳолда пудрат ташкилотлари ишчи-мутахассисларини ўқитиш, малакасини ошириш ва шу орқали уларнинг рейтингда яхши натижалар кўрсатишига эришиш асосий мақсад қилиб олинган.




Йиғилишда Геопортал бўйича ҳам қатор топшириқлар берилган. Айтиш керакки, шу кунгача Геопорталга 80 дан ортиқ бош режалар юкланган. Уларни аҳолимизга очиқ ва ошкора тақдим этиш бўйича мамлакат раҳбари томонидан мутасаддилар олдига вазифалар қўйилган. Мисол учун, google тармоғи орқали бутун дунёнинг шаҳарсозлик режаларини кўриш мумкин бўлса, бизда бу маълумотлар ҳозиргача аҳолимиз учун ёпиқ эди. Эндиликда буларнинг барчаси очиқланади. Бу маълумотларнинг кўп қисмини бир ой муддатда очиқланиши бўйича аниқ топшириқлар берилди.




Рақамлаштиришга оид яна бир маълумот. Ҳозирда қурилиш жараёнлари калькулятори ишлаб чиқилган бўлиб, калькуляторда ҳар бир юртдошимиз у уй қурмоқчими, дўкон қурмоқчими ёки завод қурмоқчими, барча-барчаси учун қайси жараёнлардан ўтилиши аниқ кўрсатилади. Ишни нимадан бошлаш керак, қайси ташкилотга мурожаат қилинади, буларнинг барчаси босқичма-босқич, кетма-кетликда бериб борилади. Бу жараёнларга қанча муддат кетади, ҳаммаси кўрсатилади, унда қайта алоқа хизмати ҳам мавжуд бўлиб, аҳоли қайси босқичда муаммога дуч келганини киритса, дарҳол тушунмовчиликка ойдинлик киритилиб, масала жойида ҳал этилади. Бу – аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаган ҳолда уларга шаффоф, аниқ тизим орқали кўмак бериш дегани.




DOING BUSINESS бўйича айтадиган бўлсак, мамлакатимиз қурилиш соҳасида 2019 йил натижаларига кўра дунёда 132-ўринни банд қилган. Рухсат бериш жараёнлари 254 кундан 84 кунгача қисқартирилди. Қурилиш вазирлигига бевосита тааллуқли бўлган жараёнлар эса 87 кундан 25 кунга қисқарди. Йиғилишда DOING BUSINESS бўйича ҳам аниқ топшириқлар берилиб, ушбу йўналишдаги ислоҳотлар энг чекка ҳудудларимизгача етиб бориши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.




**Ўзбекистон Республикаси**
**Қурилиш вазирлиги**
**Матбуот хизмати.**

# ПРИГЛАШЕНИЕ НА УЧАСТИЕ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам (фаза 2)»

**с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**

**Строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения**

**Заем №1024**

**№ тендерных торгов КФР-2020-01**

1. Республика Узбекистан подписала Заемное соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации проекта «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам (фаза 2)» (далее – Проект) и намерена использовать финансовые средства на строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения в сельских местностях Республики Узбекистана в рамках Проекта. ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» («Заказчик») настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения.

**Срок строительства составляет** – 6 (шесть) месяцев.

2. Участники торгов могут подавать свои тендерные предложения по одному или нескольким Лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложении.

3. Национальные тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурой КФАЭР для товаров и работ в рамках финансирование КФАЭР и доступны всем правомочным участникам, как описано в тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в соответствующих Территориальных консалтинговых центрах по организации тендерных торгов в строительстве по нижеприведенным адресам в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Республика Каракалпакстан | Кашкадарьинская область |
|---|---|
| **Адрес:** город Нукус, ул. Гарезсизлик, 59 «а». **Телефон:** (61) 222-74-12. **Факс:** (61) 222-74-12. | **Адрес:** город Карши, ул. Узбекистанская, 60 «а». **Телефон:** (75) 223-18-80. **Факс:** (75) 223-19-11. |
| **Сурхандарьинская область** | **Ферганская область** |
| **Адрес:** город Термиз, ул. Тараккиёт, 36 «а». **Телефон:** (76) 223-44-73. **Факс:** (76) 223-44-78. | **Адрес:** город Фергана, ул. Ал-Фаргони, 36. **Телефон:** (73) 244-68-91. **Факс:** (73) 224-68-92. |
| **Самаркандская область** | |
| **Адрес:** город Самарканд, площадь Куксарой, 2 «д». **Телефон:** (66) 233-50-76. **Факс:** (66) 231-13-51. | |

5. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 БРВ (базовая расчетная величина).

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующего Территориального консалтингового центра по организации тендерных торгов в строительстве.

**Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:**

| Республика Каракалпакстан | Кашкадарьинская область |
|---|---|
| **Банк:** Нукусский филиал АКБ «Капиталбанк» **Р/с:** 2021 0000 9039 5251 8001 **ИНН:** 202 610 040 | **Банк:** Каршинский филиал АКБ «Узсаноаткурилишбанк» **Р/с:** 2021 0000 9038 2371 1001 **ИНН:** 202 453 632 |
| **Сурхандарьинская область** | **Ферганская область** |
| **Банк:** Термизский филиал АКБ «Hamkorbank» **Р/с:** 2021 0000 5042 7255 2001 **ИНН:** 202 574 427 | **Банк:** Ферганский городской филиал АКБ «InFinBank» **Р/с:** 2021 0000 2037 6761 8001 **ИНН:** 202 529 457 |
| **Самаркандская область** | |
| **Банк:** Самаркандский филиал АКБ «Алока банк» **Р/с:** 2021 0000 8037 8332 9001 **ИНН:** 202 427 054 | |

**6. Тендерные предложения должны быть представлены:** по вышеуказанному адресу;

**до истечения крайнего срока подачи предложения:** согласно дате, указанной в перечне контрактов;

необходимо представить декларацию для тендерного предложения.

**Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанным адресам:**

| Совет Министров Республики Каракалпакстан | Хокимият Кашкадарьинской области |
|---|---|
| **Адрес:** город Нукус, ул. Гарезсизлик, 50. **Телефон:** (61) 222-74-12. **Факс:** (61) 222-74-12. | **Адрес:** город Карши, площадь Мустакиллик, 1. **Телефон:** (75) 221-02-38. **Факс:** (75) 221-11-10. |
| **Хокимият Сурхандарьинской области** | **Хокимият Ферганской области** |
| **Адрес:** город Термез, площадь Ат-Термизий, 1. **Телефон:** (76) 224-24-83. **Факс:** (76) 224-24-83. | **Адрес:** город Фергана, ул. А. Навои, 15. **Телефон:** (73) 224-33-77. **Факс:** (73) 222-33-77. |
| **Хокимият Самаркандской области** | |
| **Адрес:** город Самарканд, площадь Куксарой, 1. **Телефон:** (66) 233-25-93. **Факс:** (66) 233-25-93. | |

7. Заинтересованные правомочные участники торгов должны отвечать следующим требованиям:

| Протяженность дороги | Требуемый среднегодовой оборот в строительстве (сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (сум) | Контракты аналогичного объема и характера (сум) | Земляные работы, выполненные за последние 3 года (м³) | Бетонные работы, выполненные за последние 3 года (м³) | Работы по строительству сетей водоснабжения, выполненные за последние 3 года (п. м.) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 500 000 000,0 | 200 000 000,0 | 450 000 000,0 | 900,0 | 100,0 | 600,0 |
| 2 км | 1 000 000 000,0 | 400 000 000,0 | 900 000 000,0 | 1 800,0 | 200,0 | 1 200,0 |
| 3 км | 1 500 000 000,0 | 600 000 000,0 | 1 350 000 000,0 | 2 700,0 | 300,0 | 1 800,0 |
| 4 км | 2 000 000 000,0 | 800 000 000,0 | 1 800 000 000,0 | 3 600,0 | 400,0 | 2 400,0 |

8. Опоздавшие тендерные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

**ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2020-01**
**ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ**

**Проект:** «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам (фаза 2)»

**с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**

ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ

| № Лота | Район | Массив | Протяжённость сетей водоснабжения (км) | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| **Итого по Республики Каракалпакстан** | | | **1,407** | |
| КФР-1 | Амударьинский, Берунийский, Бозатауский, Кегейлийский, Канликульский, Караузякский, Кунградский, Нукусский, Тахиаташский, Турткульский, Ходжейлинский, Чимбайский, Элликкалинский | Гулзар, Шимом, Бозатау, Жузим баг, Дослык, Есим, Канлы, Акмангит, Орайлик, Уллубог, Кун нури, Жипек жол, Элликкалъа | 1,407 | 24 августа 2020 года, 11.00 |
| **Итого по Кашкадарьинской области** | | | **10,379 км, резервуар – 4 шт, башня – 3 шт, скважина – 4 шт** | |
| КФР-2 | Гузарский, Дехканабадский, | Тинчлик, Бешбулок | 0,383 км, резервуар –1 шт | 24 августа 2020 года, 11.00 |
| КФР-3 | Китабский, Шахрисабзский | Янгиобод, Шаматон, Дустлик | 1,867 км, башня – 1 шт, скважина – 1 шт | 24 августа 2020 года, 11.00 |
| КФР-4 | Яккабагский, Камашинский | Янгиабад, Айгиркул, Зафар | 0,314 км, башня 1 шт, скважина 2 шт | 24 августа 2020 года, 11.00 |
| КФР-5 | Касбинский, Касанский, Нишанский | Тинчлик, Дустлик, Машъал, Нуристон, Нуристон-1 | 3,974 км | 24 августа 2020 года, 11.30 |
| КФР-6 | Чиракчинский | Дам | 1,832 км, башня – 1 шт, скважина – 1 шт | 24 августа 2020 года, 11.30 |
| КФР-7 | Каршинский, Миришкарский | Равот, Сахтапиёз, Янги Миришкор | 0,602 км, резервуар – 2 шт | 24 августа 2020 года, 11.30 |
| КФР-8 | Мубарекский, Каршинский | Бобур, Дустлик, Чаман | 1,407 км, резервуар – 1 шт | 24 августа 2020 года, 11.30 |
| **Итого по Самаркандской области** | | | **4,066 км, резервуар – 1 шт, башня – 3 шт** | |
| КФР-9 | Пастдаргомский, Нурабадский, Нарпайский | Гузалкент, Навруз, Нарпай | 2,632 км, резервуар – 1 шт, башня – 1 шт | 24 августа 2020 года, 11.00 |
| КФР-10 | Кошрабатский, Булунгурский, Каттакурганский, Пайарыкский, Джамбайский, Иштыханский | Булакбаши, Мехнатобод, Мадраса, Мундиён, Янгихаёт, Каттакишлак, Шейхларкент | 1,434 км, башня – 2 шт | 24 августа 2020 года, 11.00 |
| **Итого по Сурхандарьинской области** | | | **2,660 км, башня – 1 шт, скважина – 1 шт** | |
| КФР-11 | Термезский, Музрабадский | Мангузар, Янгихает | 2,660 км, башня – 1 шт, скважина – 1 шт | 24 августа 2020 года, 11.00 |
| **Итого по Ферганской области** | | | **5,445 км,** резервуар – 3 шт, скважина – 5 шт | |
| КФР-12 | Алтыарыкский, Багдадский | ССГ «Капчугай» массив Капчугай, МСГ «Муруват» массив Гулистан | 1,730 км, резервуар – 1 шт, скважина – 2 шт | 24 августа 2020 года, 11.00 |
| КФР-13 | Ферганский | МСГ «Миндонобод» | 1,860 км, резервуар – 1 шт, скважина – 2 шт | 24 августа 2020 года, 11.00 |
| КФР-14 | Учкуприкский, Бешарыкский | МСГ «Тожик» массив «Муллазоир», МСГ «Ворух-Дашт» массив Адиробод | 1,855 км, резервуар – 1 шт, скважина – 1 шт | 24 августа 2020 года, 11.00 |

# БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати | Махсус ахборот порталида эълон берилган сана |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Каттақўрғон шаҳридаги Амир Темур кўчаси бўйлаб магистрал йўлда сув таъминоти ва канализация тармоқларини реконсрукция қилиш ва қуриш | 7 292 304 666 сўм | 3 ой | 2020 йил 21 июль |

**Буюртмачи:** «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси.

**Манзили:** Самарқанд шаҳар Кўксарой майдони, Д, 1-«А» уй.

**Тел.:** 66-233-19-57.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Самарқанд шаҳар Кўксарой майдони, 2-«Д», 403-хона.

**Тел.:** 66-233-32-00, 66-231-13-51.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот dxarid.uz порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда тендер эълонида чоп этилган куни ва вақтига қадар қабул қилинади.

**Таклиф (оферта)лар очилиши dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Самарқанд шаҳар Кўксарой майдони, 2-«Д», тендер ташкилотчиси биноси.

# ПРИГЛАШЕНИЕ

## на участие в открытых аукционных торгах!

На открытые аукционные торги, проводимые 25 августа 2020 года в 10.00 в порядке пошагового повышения цен, ООО «Manzarali Bog'dorchilik Gulchilik» выставляются нижеследующие автотранспортные средства:

Трактор «МТЗ-80» 1986 года выпуска, гос. номер 01 ЕА3 44. **Стартовая цена** – 11 994 000 сум.

Трактор «Беларус-952» 2007 года выпуска, гос. номер 01 ЕА 342. **Стартовая цена** – 24 932 000 сум.

Трактор «ТТЗ-80.10» 2000 года выпуска, гос. номер 01 ЕА 345. **Стартовая цена** – 10 891 000 сум.

Трактор «Т-40» 1982 года выпуска, гос. номер 01 ЕА 349. **Стартовая цена** – 7 611 000 сум.

Трактор «ТТЗ-100.К.11» 1998 года выпуска, гос. номер 01 ЕА 348. **Стартовая цена** – 16 955 000 сум.

Трактор «Т-54» 1982 года выпуска, гос. номер Б/Н. **Стартовая цена** – 3 078 000 сум.

Трактор «Т-54» 1982 года выпуска, гос. номер Б/Н. **Стартовая цена** – 3 421 000 сум.

Трактор «Т-54» 1982 года выпуска, гос. номер Б/Н. **Стартовая цена** – 3 231 000 сум.

Трактор «Т-16» 1982 года выпуска, гос. номер Б/Н. **Стартовая цена** – 3 681 000 сум.

Трактор «Т-16» 1982 года выпуска, гос. номер Б/Н. **Стартовая цена** – 3 897 000 сум.

Автобус «М-24.9» 2002 года выпуска, гос. номер 01 520 EDA. **Стартовая цена** – 12 289 000 сум.

Автобус «М-23.9» 2002 года выпуска, гос. номер 01 467 EDA. **Стартовая цена** – 10 801 000 сум.

На открытые аукционные торги, проводимые 25 августа 2020 года в 11.00 в порядке пошагового повышения цен, Ташкентским государственным экономическим университетом выставляется автомашина марки «Epica» 2010 года выпуска, гос. номер 01 122 ААА. **Стартовая цена** – 36 921 000 сум.

Повторные аукционные торги будут проводиться каждый вторник в указанное выше время.

Победитель аукциона должен оплатить 5 % от продажной стоимости автотранспортного средства на счет организатора торгов.

**Заявки от претендентов на участие в аукционных торгах будут приниматься в рабочие дни с 10.00 до 16.00 по адресу:** город Ташкент, улица Х. Алимджана, 13 «А». Прием заявок после заключения договора о задатке и оплаты задатка приостанавливается за день до аукционных торгов в 10.00 и в 11.00. Победитель аукциона должен заключить договор с продавцом в течение 10 банковских дней.

Принимается оплата за дополнительные услуги в размере 2-х минимальных окладов за каждое автотранспортное средство. А так же за бланк победителя в размере 1-го минимального оклада за каждое автотранспортное средство.

Претенденты, желающие участвовать в аукционных торгах, должны внести задаток в размере 15 % от стартовой стоимости автотранспортного средства на банковский счет организатора торгов с указанием в платежных документах наименования автотранспортного средства.

**Реквизиты:** ООО «Auto trade cooperation» р/с 2020 8000 5050 1568 5001 в АКБ «InFinBank» МФО 01041 ИНН 302 477 464.

**Телефон:** 95 193-74-96.

*Свидетельство № 005148.*

## ПРИГЛАШЕНИЕ НА УЧАСТИЕ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам (Фаза 2)»

**с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития по строительству подъездных и внутримассивных дорог**

**Заем № 1024**

**Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги хужжатлар тақдим этилади:**

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– жисмоний шахслар – паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

**Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига, савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар, тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 2060 9009 АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиали МФО 00190 СТИР 207 122 519.

**Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил:** Қарши шаҳар «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй.

**Тел.:** 75-225-44-58.

**Электрон почта:** rieltsavdo@inbox.uz

**Веб сайт:** www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.
*RR-0001-сонли лицензия.*

# Фойдали лойиҳалар амалга ошмоқда

**«Қўқон» эркин иқтисодий зонаси 2017 йилнинг 12 январида ташкил этилган бўлиб, Фарғона вилоятининг Учкўприк тумани ва Қўқон шаҳридан А, Б, В ҳудуддан иборат жами 709,3 гектарлик ер майдони ажратилган.**




Ҳудудда фаолият юритаётган корхоналарнинг асосий йўналиши фармацевтика ва кимё саноати, электротехника, машинасозлик ва автомобилсозлик, чарм-пойабзал ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги молларини қайта ишлаш, қадоқлаш ва сақлаш, мебелсозлик, ёғочни қайта ишлаш ва яна бошқа кўплаб соҳалардаги экспортбоп ҳамда импорт ўрнини босувчи замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этади.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз тадбиркорларининг эркин фаолият юритиши учун кенг кўламда имтиёзлар жорий этилган. Жумладан, «Қўқон» ЭИЗ ҳудудида ҳам солиқ ва божхона тўловлари учун чегирмалар мавжуд. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида имтиёзлар тадбиркорларга 3 йилдан 10 йил муддатга, яъни киритиладиган инвестициялар ҳажмига қараб белгиланади ва унда тадбиркорлар ер, мулк ҳамда даромад солиғидан озод қилинади. 10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар учун солиқ имтиёзлари – кейинги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда 10 йил муддатга берилиши кўзда тутилган.

Булардан ташқари, ҳудуддаги ишбилармонлар ишлаб чиқариш фаолияти давомида эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат асосида хориждан келтириладиган қурилиш материаллари учун божхона тўловларидан озод этилади.

«Қўқон» ЭИЗ ишлаб чиқариш инфраструктураси яъни, электр, сув, йўл, газ, канализация ва коммуникация тармоқлари билан тўлиқ таъминланган бўлиб, ҳудудда темир йўл линияларини қуриш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Бу эса тадбиркорларнинг янада самарали фаолият юритишлари, маҳсулотлар тури ва ишлаб чиқариш қувватини оширишга замин яратади.

Эркин иқтисодий ҳудуднинг зарур инфратузилмаси, унинг муҳандислик-коммуникация тизими билан таъминланганини соҳа ривожида муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда «Қўқон» ЭИЗнинг мавжуд 709,3 Га дан иборат ҳудудида лойиҳалар жойлаштиришга мўлжалланган 354 Га майдон электр энергияси, жумладан, 50 МВа қувватга эга трансформатор нимстанцияси, юқори босимли табиий газ тармоғи, ичимлик суви тизими ва 4 минг $м^3$ сув сақлаш иншооти, канализация, оптик толали алоқа тармоғи билан тўлиқ таъминланди. Хусусан, 2019-2020 йилларда 29 млрд сўмга 110/110 кВли 50 МВалик трансформатор нимстанцияси қурилиб, 4,1 млрд сўмга 110 кВлик 4,3 км юқори кучланишли ҳаво тармоғи, 11,7 млрд сўм миқдоридаги маблағ эвазига эса 19 километрни ташкил этувчи ичимлик ва канализация тармоғи, булардан ташқари 2,7 млрд сўмга 6,9 километр юқори босимли табиий газ тармоғи тортилиб, 15 километр ички йўлга шағал, 6 километр автомобиль йўлга асфальт қопламалари ётқизилди.

Бугунги кунда бу ерда болт, гайка ва зангламайдиган қувур каби қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган «MMA KAMTAR-BEGOYIM» МЧЖ, электр кабель ишлаб чиқарувчи «EURO CABLE INDUSTRY» МЧЖ, электрод, болт, шуруп, мих ва бурама мих сингари қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи «Ulugbek Export trade» МЧЖ, гипсокартон ишлаб чиқаришга мўлжалланган «QO'QON GIPS» МЧЖ ва яна бошқа кўплаб корхоналар фаолият юритади.

Айтиш керакки, кейинги йилларда «Қўқон» ЭИЗда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш суръатлари кенгайиб бормоқда. Жумладан, яқинда бу ерда «KHAT DECOR» хусусий корхонаси ва «Grand Art class» масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди.

«KHAT DECOR» хусусий корхонасида 1,5 миллион АҚШ долларилик лойиҳа эвазига меламин қоғоз, ЛДСП, ЛДМФ маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада йилига 70 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони яратилган. Сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларга ички бозорда талаб катта. Айни кунларда корхонада 50 нафар маҳаллий ёшлар меҳнат қилишмоқда. Корхона раҳбари Алпонжон Толиповнинг айтишича, лойиҳанинг иккинчи босқичи бўйича ҳам ишлар давом этмоқда. Бир миллион долларлик лойиҳа ишга тушгач, юз турдан ортиқ гул босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, «Grand Art class» масъулияти чекланган жамияти ҳам яқинда йирик лойиҳани бажаришга киришди. Мазкур жамият томонидан амалга оширилаётган лойиҳанинг биринчи босқичи ишга туширилиб, пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

– Бу ерда биз 25 миллион долларлик 5 та лойиҳа бўйича ишларни бошлаганмиз, – дейди жамият раҳбари Содиқжон Солиев. – Сунъий тери ишлаб чиқариш тармоғини Мустақиллик байрами арафасида ишга туширишни режалаштирганмиз. Шунингдек, нотўқима маҳсулотлар, пеносвилин, полеуритам каби хориждан олиб келинадиган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш асосида шу ерда ишлаб чиқарамиз.

Пандемия барча соҳаларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаяпти. Шу боис карантинга мослашиш ва шундай шароитда ишлашга ўрганишни ҳаётни ўзи тақозо этмоқда. Фарғона вилоятида ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик муҳитига қулайлик яратиш, корхоналарни қўллаб-қувватлаш, инвестиция лойиҳаларини ўз муддатида амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Корхоналарнинг барқарор ишлаши йўлида барча саъй-ҳаракатлар ишга солиняпти. Карантин даврида вилоятда 6 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, белгиланган талабларга риоя қилинмоқда. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 205 миллион АҚШ долларилик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, 480 та лойиҳа ишга туширилди.

«Қўқон» эркин иқтисодий зонаси бугунги кунда вилоятнинг қайноқ нуқтасига айланган. Ҳозирга қадар бу ерда умумий қиймати 279 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 85 та инвестиция лойиҳалари жойлаштирилди. 43 та лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида иқтисодий зона иштирокчилари томонидан жорий йилнинг январь-июнь ойларида 627,8 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. 12,9 миллион АҚШ долларилик маҳсулотлар экспортга йўналтирилди. Мазкур лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 2 480 та янги иш ўринлари яратилди.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

**Бугунги мураккаб шароитда мамлакатимиз саноат корхоналари олдида турган асосий вазифалардан бири пандемия таъсирини камайтирган ҳолда ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигини таъминлаш ва уларнинг барқарор фаолиятни сақлаб қолишдир. Бу борада «Олмалиқ» кон-металлургия комбинатида олиб борилаётган ишлар эътиборга молик.**

# Харидоргир маҳсулот

Ишлаб чиқариш қувватларини ошириш баробарида экспорт кўрсаткичларини юксалтиришга эришиб келаётган комбинатнинг корхоналаридан бири – «Ангрен» қувур заводида ўсиш суръатлари 120 фоизни ташкил этмоқда.

Завод томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон ва ички бозорда ўзининг сифати билан юқори ўринларни эгаллайди. Пандемия шароитида кўплаб корхоналарнинг фаолиятини бир маромда ушлаб туриш ҳамда маҳсулотни сотиш жаҳон тажрибасида анчагина мураккаб экани сир эмас. Бу борадаги вазиятни юмшатиш мақсадида «Олмалиқ» кон-металлургия комбинати истиқболдаги конъюктурани ўрганиш юзасидан ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотлари ўтказиб, маҳаллий хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиши ўз натижасини кўрсатди.

– Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган турли диаметрдаги мис қувурлар қурилиш ишларида, сув таъминоти тизимида, иссиқлик коммуникациялари ва яна бошқа кўпгина соҳаларда кенг қўлланилади. Шу боис ҳам бу маҳсулотларга талаб юқори, – дейди «Ангрен» қувур заводи директори Эрйигит Сулаймонов. – Маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортименти ва сонини кенгайтирдик. Маҳаллийлаштириш дастури асосида 2 хил маҳсулот, яъни квадрат мис қувури ва мис штангасини ҳам ишлаб чиқаришни бошладик. Муҳими, маҳсулотнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги талаби ҳамда эҳтиёжига мос келишини таъминлашга қаратилган ишлар натижасида биз кўплаб хориж компаниялари, маҳаллий корхоналар билан шартномалар имзолашга эришдик. Бугунги кунда Туркия, Россия, Озарбайжон, Болгария, Украина, Белорус, Қозоғистон каби давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларимиз изчил суръатларда давом этирилмоқда. Ички бозорда эса асосий харидоримиз «ARTEL» ва «Навоий» КМК корхоналари ҳисобланади.

Завод ўз олдига 2 500 тоннадан зиёд турли ўлчамлардаги мис қувурларини ишлаб чиқариш ва унинг 1 490 тоннасини экспорт қилиш вазифасини қўйган бўлса, амалда 2 850 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 2 100 тоннадан ортиқ маҳсулотларни экспортга йўналтиришга муваффақ бўлди. Умуман олганда, «Ангрен» қувур заводи томонидан йилнинг биринчи ярим йиллигида 12,3 млн АҚШ долларига тенг маҳсулотлар хорижлик ҳамкорларга етказиб берилди.

Пандемия даврида қисқа муддатда Зангиота ва Ўрта Чирчиқ туманларида барпо этилган карантин зоналарининг кислород тақсимлаш коммуникацияларида ҳам мазкур заводнинг мис қувурларидан кенг фойдаланилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Директорнинг эътирофи

**Самарқанд туманидаги 2-ўрта умумтаълим мактабида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари билан танишар эканмиз, илм даргоҳи директорининг гаплари диққатимизни тортди.**

– Зиё масканимиз қарийб юз йиллик тарихга эга. Шу давр мобайнида табаррук даргоҳда қанчадан-қанча ёшлар таълим ва тарбия олиб, катта ҳаёт остонасига қадам босмади, дейсиз?! Мактаб битирувчиларининг асосий қисми кейинчалик олий ўқув юртларини тамомлаб, халқ хўжалигида самарали фаолият кўрсатмоқдалар, – дейди директор Гулчеҳра Нарзиқулова. – Уларнинг кўпчилиги мамлакатимизга машҳур олиму бинокор, шифокору муаллим, муҳандису учувчи ва яна бир қанча бошқа касб эгалари бўлиб етишишган.

Бугунги авлод ўз ота-боболари, акаю опалари билан чексиз фахрланадилар. Ана шундай обрў-эътиборли инсонлар орасида собиқ ўқувчимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор Шуҳрат Давронов ҳам борлигини мен ҳурмат билан тилга олишни истардим. Кечирасизлар, мавзу доирасидан чиқсам-да, мана шундай қўли гул қурувчилар, уларнинг раҳбарларини кўриб, шу фикрлар хаёлимдан ўтди. Чунки Шуҳрат ака ҳамон изланишда, янги лойиҳалар, режалар устида бош қотирмоқда. Шундай фидойи кишилар, теран меъморларимиз бор экан, юртимиз янада гуллаб-яшнайверади, обод ва кўркам қиёфа касб этаверади. Қадрдон масканимизни қайтадан бунёд қилаётган ажойиб бинокорлар ҳамиша бор бўлсин.

Чин қалбдан ташаккур уларга!

– Мактаб директори бизга ортиқча баҳо бериб юборди, чамамда, – дея сўзга аралашди пудратчи ташкилот раҳбари. Биз ўз шарафли бурчимизни бажаряпмиз, холос. Ҳақиқатан, илм даргоҳи анча йил аввал қурилган бўлиб, бино яроқсиз ҳолга келиб қолган экан. Уни бузиб, 240 ўринли, икки қаватдан иборат янгисини тиклаяпмиз.

Тендер савдолари натижасига кўра объектни фойдаланишга топшириш «Темир-бетон монтаж» хусусий корхонаси зиммасига юклатилганини билдик. Қурилиш-таъмирлаш ишларига қарийб икки миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Лойиҳани «Меъмор обод сервис» МЧЖ мутахассислари тайёрлаб беришган. Айни пайтда объектда пардозлаш, коммуникация-муҳандислик ишлари жадал олиб борилмоқда. Октябрь ойигача белгиланган юмушларни янги ўқув йилигача тамомлаш бунёдкорларнинг қалб даъватига айланган.

Ўйлаймизки, мазкур бино Мустақиллигимизнинг 29 йиллигида чордараликларга муносиб совға бўлиши шубҳасиз. Қолаверса, мактаб педагогик жамоаси анъанани давом эттириб, шинам, кенг ва ёруғ синфларда дарс ўтиб, Ватанга садоқатли, ўқимишли кадрлар тайёрлаб беришда янада катта ютуқларга эришадилар, деган умиддамиз.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси қуйидаги объектлар бўйича салоҳиятли пудратчи ташкилотларни

## ТЕНДЕР САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

| Т/р | Объектлар номи | Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати, календарь кун |
|---|---|---|---|
| 1. | Туямуюн-Урганч ва Урганч-Хива магистрал сув қувурини реконструкция қилиш (Д=800 мм, Д=1000 мм, Д=1200 мм) | 7 486 907 810 | 365 |
| 2. | Тупроққаъла тумани, «Саидлар» МФЙда сув тизимлари қурилиши ва реконструкцияси | 4 499 950 731 | 210 |
| 3. | Тупроққаъла тумани, «Гурлан», «Хазорасп», «Хива» ва «Хонқа» МФЙларда сув тизимлари қурилиши ва реконструкцияси | 4 050 253 710 | 300 |
| 4. | Урганч тумани, «Оқ-ёп» МФЙда сув тизимлари қурилиши ва реконструкцияси | 1 460 097 713 | 130 |
| 5. | Урганч тумани, «Ҳ. Олимжон» МФЙда сув тизимлари қурилиши ва реконструкцияси | 2 727 746 160 | 180 |
| 6. | Урганч тумани, «Гулобод» МФЙда сув тизимлари қурилиши ва реконструкцияси | 1 912 507 677 | 150 |
| 7. | Гурлан тумани, «Беш уй» МФЙда сув тизимлари қурилиши ва реконструкцияси | 3 536 838 931 | 240 |
| 8. | Қўшкўпир тумани, «Шихобод» МФЙда сув тизимлари қурилиши ва реконструкцияси | 1 564 170 307 | 130 |
| 9. | Қўшкўпир тумани, «Дурдона» ва «Амирқум» МФЙда сув тизимлари қурилиши ва реконструкцияси | 1 823 418 195 | 130 |
| 10. | Хива тумани, «Арвик» МФЙда сув тизимлари қурилиши ва реконструкцияси | 2 702 415 421 | 180 |
| 11. | Шовот тумани, «Гулшан» МФЙда сув тизимлари қурилиши ва реконструкцияси | 2 845 854 264 | 240 |

**Буюртмачи:** «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси.

**Манзили:** Урганч шаҳар Хонқа кўчаси, 133-«а» уй.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Урганч шаҳар П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** 62-228-51-99. **Телеграмм:** 97-456-31-84.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан 2020 йил 4 август куни, соат 16.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади:** Урганч шаҳар Хонқа кўчаси, 133-«а» уй.

**Таклифларни очиш қуйидаги манзилда тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кейин 2020 йил 5 август куни, соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади:** Урганч шаҳар Хонқа кўчаси, 133-«а» уй.

**Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.**

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «Agrolagisticas Central Asia» МЧЖнинг 2020 йил 20 июлдаги 104- сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Пскент тумани, «Гулистон» МФЙ, Обиз қишлоғида жойлашган **умумий майдони** – 6,15 Га, **қурилиш остидаги майдони** – 40 920,8 квадрат метрдан иборат бўлган, янги қурилган «Замонавий иссиқхона иншоотлари» қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 40 532 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2020 йил 25 август куни, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 21 август куни, соат 18.00. Аризалар расмий иш кунлари , соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Мазкур мулк 2020 йил 25 август куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 9, 16, 23, 30 сентябрь кунлари, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин, соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига, савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар, тўлашлари шарт:** 2260 4000 6049 2060 9002 ХАТБ «DAVR BANK» Амалиёт бошқармаси МФО 00981 СТИР 207 122 519.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

**Телефон:** 71-237-23-91.
**E-mail:** kmsxuz@inbox.uz
**Веб сайт:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001-сонли лицензия.*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№57-58 (406-407) 2020 йил 24 июль

# Иш жойларида инсон соғлиғини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш

## бу– меҳнат муҳофазасими ёки техника хавфсизлигими?

**XIX асрда жаҳон иқтисодиёти илм-фан соҳасидаги ютуқлар ҳамда модернизациялар айнан қурилиш саноатида ҳам юксак натижалар қайд этди. Европа саноат революцияси натижасида қурилиш тармоқларида экстенсив ривожланиш усулидан интенсив ўсиш моделига ўтиш орқали юқори самарадорликка эришилган. Буюк Британия, собиқ Иттифоқ ва АҚШ каби давлатлар ташқи бозорларининг кенгайиши натижасида ҳудудларда қурилиш саноатининг мисли кўрилмаган шаҳарсозлик қиёфалари ҳамда завод-фабрикалари барпо этилди.**

Барчамизга маълумки, икки буюк мактаб, яъни Англо-Саксон ва Роман-Герман вакиллари мазкур соҳанинг илмий-амалий асосларини яратишда турли хил бир-бирини тўлдириб берувчи ёндашувларни кашф этди.



1910 йилга келиб АҚШ Конгресси кўплаб ҳалокатлар ва тобора ўсиб бораётган бахтсиз ҳодисалар сабабли Тоғ-кончилик бюросининг 1970 йил 29 декабрда Президент Ричард Никсон ва АҚШ Конгресси томонидан Касбларда хавфсизлик ва Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Occupational Safety and Health Administration, OSHA) ҳамда Меҳнат хавфсизлиги ва саломатлиги идорасининг ташкил этилишига олиб келди.

1974 йил Буюк Британияда ишчилар соғлигини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш қонуни жорий этилди. 1974 йилгача «Меҳнат ва хавфсизлик тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. 1974 йилда қабул қилинган «Иш жойларида соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик» қонуни бугунги кунда дунё бўйлаб соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик қонунчилигининг асосини ташкил этувчи инқилобий қонун сифатида қабул қилинди.

Собиқ Иттифоқда соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш қонунчилиги узоқ тарихга эга. Саломатлик ва хавфсизликни назорат қилишнинг дастлабки нашри 1719 йили Пётр I давридан бошланади. Россия Федерациясида 1993 йилда қабул қилинган «Ходимлар соғлигини ҳимоялаш тўғрисида»ги қонун кейинчалик – 2011 йил 21 ноябрда «Россия Федерациясида фуқароларнинг саломатлигини ҳимоялаш асослари тўғрисида»ги Федерал қонуни қабул қилингани сабабли бекор қилинган. 1973 йилдаги БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича декларациясига мувофиқ «Соғлиқ ва хавфсизлик бўйича меҳнат шароитлари» тўғрисида пакт ратификация қилинди. 2012 йилда Халқаро меҳнат ташкилотининг 174-сонли «Саноатда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш» конвенцияси, 1998 йилда 155-сонли «Иқтисодиётнинг барча тармоқларида инсон соғлиғини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш» конвенцияси ва 2018 йилда эса 167-сонли «Қурилишда инсон соғлиғини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш» конвенцияси ратификация қилинган. Мазкур халқаро меъёрлар ва амалиётга мувофиқлашув натижасида Россия Федерациясида амалдаги меҳнат хавфсизлигига оид меъёрий-ҳуқуқий нормалар бекор қилиниб, ўрнига «Соғлиқ, хавфсизлик ва меҳнат гигиенаси тўғрисида» янги қонун амалиётга жорий қилинди. Россия Федерацияси ХМТнинг 167-сонли конвенциясини ратификация қилар экан, яъни «Health and safety in construction industry» кенг маънода «Безопасности и гигиене труда в строительстве» тарзида таржима қилинди. Эътиборлиси шундаки, у инсон саломатлигини сақлашда санитария муаммоларини ҳисобга олмаган ҳолда таржима қилинган. Демак, конвенция моҳиятини икки хил мазмунда таржима қилиш мумкин эди:

1. Инсон соғлиғи ва хавфсизлиги.
2. Меҳнат санитарияси, гигиенаси ва хавфсизлик.

Қуйидаги жадвалга эътибор қаратадиган бўлсак, бир қатор иқтисодиёти илғор мамлакатларда ишчи-ходимларнинг хавфсиз меҳнат шароитларида ишлашга оид қонунчилиги ифодаланган.

### Хорижий мамлакатларда меҳнат муҳофазасининг қонунчилик шакли

| № | Мамлакатлар | Қонун ҳужжати номи | Веб сайт | Йил |
|---|---|---|---|---|
| 1. | АҚШ | Касбий хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш | www.osha.gov/ | 1970 |
| 2. | Буюк Британия | Иш жойларида соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик | www.hse.gov.uk/ | 1974 |
| 3. | Канада | Касбий хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш | www.ccohs.ca/ | 1978 |
| 4. | Европа Иттифоқи | Европа соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик | www.osha.europa.eu/ | 1987 |
| 5. | Австралия | Иш хавфсизлиги ва саломатлиги тўғрисида | www.safeworkaustralia.gov.au/ | 1984 |
| 6. | Малайзия | Иш хавфсизлиги ва саломатлиги тўғрисида | www.dosh.gov.my/index.php | 1994 |
| 7. | Россия | Соғлиқ, хавфсизлик ва меҳнат гигиенаси тўғрисида | www://base.garant.ru/72005258/ | 2018 |
| 8. | Япония | Саноатда хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш қоидалари | www.jisha.or.jp/ | 1972 |
| 9. | Корея Республикаси | Касбий хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш | www.english.kosha.or.kr/ | 1987 |
| 10. | Сингапур | Иш жойларида хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш | www. wshc.sg/ | 2006 |
| 11. | Хитой | Касбий хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш | www.dosh.gov/ | 2002 |

Ўзбекистон қурилиш саноати бирмунча ривожланиб, кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилиб, шу билан бирга илм-фан ва техника соҳасида ўз даври учун мисли кўрилмаган тараққиётга эришди. Мамлакатимиз ҳудудларида шаҳарсозлик ва инфраструктура янгидан барпо этилди ва ривожлантирилди. Олий ўқув юртларида қурилиш, архитектура, муҳандислик ва бошқа техникага оид янги фанлар жорий этилди.

Халқаро амалиёт, кўпроқ, Буюк Британия илм-фан ютуқлари асосида шаклланган бўлиб, юқоридаги учта конвенцияларга мувофиқ уни ратификация қилган исталган мамлакатдаги қурилиш ва бошқа тармоқлардаги инсон фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарлар шакли, даражаси, кўриниши ва оқибатлари бир хил бўлишига кўра уларнинг олдини олиш, содир бўлиш даражасини пасайтириш, уларни назорат қилиш, тартибга солиш, мониторинг ва аудит қилиш, албатта, ягона стандарт асосида амалга оширилиши керак, деган ғояга асосланади.

Мамлакатимиз қурилиш саноатининг илмий-техникавий ҳамда амалий ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келган маҳаллий олимларимиз томонидан қурилиш саноатида инсон хавфсизлиги ва уни таъминлаш соҳаларига оид яратилган илмий дастурлари ва адабиётларининг аксарияти айнан Россия олимлари назариялари ва амалий қарашларига таянган ҳолда шакллантирилганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги кун олий таълим тизимининг интеграциялашуви ва глобаллашуви мазкур соҳада бир қатор инновацияларга муҳтож.

Демак, кўриниб турибдики, мамлакатимизда қурилиш саноатининг турли тармоқларида инсон соғлиғини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга оид илмий назариялар, асосан, «Меҳнат муҳофазаси», «Ҳаёт хавфсизлиги», «Фуқаро муҳофазаси», «Техника хавфсизлиги», «Ёнғин хавфсизлиги», «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги», «Саноат хавфсизлиги» каби тушунчалар асосида рус адабиётларига мос равишда шакллантирилган.

Халқаро меҳнат ташкилоти, Буюк Британия, АҚШ ва Европа Иттифоқи амалиёти юқоридаги номланишларни мутлақо рад этиб, замонавий қарашдаги аксарият назарий ёндашувларни қўллаб-қувватлаган ҳолда қурилиш саноатида ишчи-ходимлар фаолиятини илмий жиҳатдан тўғри ва самарали ташкил этиш орқали бахтсиз ҳодисалар содир этилишининг олдини олишга оид илмий назариялар, дастурлар, стандартлар ва ўқув дарсликларини яратишда асос бўлиб келаётган ягона ёндашув, яъни **«Инсон соғлиғи ва хавфсизлиги»** тушунчасини амалиётга кенг татбиқ этган.

*(Тадқиқотнинг батафсил тафсилотлари Scopus халқаро илмий платформасида эълон қилиниб борилмоқда).*

**Азиз ЗИКРИЁЕВ,**
**Тошкент архитектура-қурилиш институти PhD докторанти.**

**«Ўзметкомбинат» АЖ қурилиш ва саноатнинг бошқа соҳалари учун зарур бўлган базальт асосида ишлаб чиқарилаётган иссиқлик изоляторларининг янги авлод материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.**

# БАЗАЛЬТ ИССИҚЛИК ИЗОЛЯТОРЛАРИ – қурилишда мақбул ечим



Базальт асосидаги иссиқлик изоляторлари базальт толаларидан тайёрланади. Базальт иссиқлик изоляторлари иссиқликни тежаш билан бирга овоз ўтказмайди ва ёнғиндан ҳимоя қилади. Маҳсулот алоҳида парваришга муҳтож эмас: кимёвий бардошли ва узоқ вақт давомида фойдаланишга мўлжалланган.

Иссиқлик изоляторларини том остини, уй поллари ва бино қаватлари ўртасини, бино фасадларини, вентиляция каналларини, болохоналар шифти ва деворларини, хоналар ўрталарини, совутиш мосламалари деворларини, саноат ускуналарини изоляциялашда қўллаш мумкин.

Базальт асосидаги иссиқлик изоляторлари мукаммал иссиқлиги, ёнувчан бўлмаган материаллар синфига тегишлилиги, овоз ўтказмаслиги, тезкор ўрнатилиши, осон кесилиши ва монтажга қулайлиги, моғор ва бактерияларга чидамлилиги ҳамда экологик ва гигиеник жиҳатдан хавфсиз экани билан эътиборга молик.

Иссиқлик изоляцияловчи материаллар минерал пахта, тўқилган матлардан ишлаб чиқарилиб, минерал пахта қурилиш ва саноатда иссиқлик изоляцияси учун ишлатилиши мумкин. Ушбу материалдан фойдаланиш бино ичида қулай муҳит яратилишини кафолатлайди: совуқ ҳавода иссиқликни сақлайди, ёзда эса аксинча салқинлик яратади.

Тўқилган матлар эса турар жой, жамоат ва ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг, шунингдек, иссиқ ва совуқ сув таъминоти иситиш тармоқларининг қувурларини, барча тармоқларнинг технологик қувурларини иссиқлик изоляцияси ва овоз тўсиш учун мўлжалланган.

Шу билан бирга комбинат иссиқлик изоляция плиталарини ҳам ишлаб чиқармоқда. Улар ғиштдан, газобетон ва бошқа блоклардан ясалган кўп бўлмаган қаватли биноларнинг уч қаватли енгил деворларининг сендвич панеллари, томлар, поллар, шифтлар, ички қисмларининг иссиқлик ва овоз ўтказмаслик хусусиятларини шакллантириш учун фойдаланилади.

# Қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди

**Ангрен шаҳар Давлат хизматлари марказида ҳиндистонлик ва ўзбекистонлик ишбилармонлар таъсисчилигида «STROY ARCHSTONE» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Мазкур қўшма корхона таъсисчилари пишган ғишт, томбоп черепица, дренаж қувурлари, қоплама плиталар каби 10 га яқин қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 400 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритишни мўлжалламоқда.

Бунинг натижасида 100 га яқин янги иш ўрни яратилиб, Ангрен шаҳри аҳолиси бандлиги таъминланади.

– Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари, «Ангрен» эркин иқтисодий ҳудудидаги шароит ва имкониятлар, чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар учун имтиёз ва преференциялар ҳақида маълумотга эга бўлгач, ҳамкорларимиз билан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонасини шу ерда ишга тушириш нияти туғилди, – дейди ҳиндистонлик инвестор Рену Гаурав. – Ҳамкорларимиз билан мақсадимизни амалга оширишнинг аниқ режаларини муҳокама қилиш имкониятига эга бўлганимиздан хурсандмиз. Келгусида ишлаб чиқариш қувватини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва янги иш ўринларини яратиш ниятларимиз бор.

**Ўз мухбиримиз.**

# Янги серияли локомотивлар тақдимоти ўтказилди

**Ҳар йили мамлакатимиз темир йўл транспорти миллионлаб йўловчининг узоғини яқин қилиб, юк ташиш ҳажмини ҳам муттасил равишда ошириб бормоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунда барча транспорт турларида юк ташиш ва импорт-экспорт ташишлар жами ҳажмининг катта қисми темир йўл тармоғи улушига тўғри келади.**

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида соҳани ривожлантириш ва модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил ислоҳотлар самарасида мамлакатимиз темир йўллари юқори технологияларга асосланган замонавий транспорт тизимига айланди. Бунда йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этаётган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг алоҳида ўрни бор. Компания ўзининг локомотив хўжалигини модернизация қилиш бўйича улкан режаларни амалга оширмоқда. Вагонлар паркини янгилаш масаласи темир йўл соҳасидаги техник тараққиётнинг устувор вазифаларидан.

Тошкент – Марказий темир йўл вокзалида 3ЭС5К серияли иккита янги электровоз (ERMAK), Германияда ишлаб чиқарилган кўп вазифаларни бажаришга мўлжалланган узун ўқли махсус кўп тармоқли MULTI TASKER KRC 1200UZ сўнгги русумдаги замонавий ва халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган кўтарма кран, шунингдек, 3ВЛ80С-2425 электровози шу



билан бирга маҳаллий мутахассислар томонидан модернизация қилинган ТЕМ2-6606 манёвр локомотивининг соҳага татбиқ этилиши ҳам бу борадаги янгиланишларнинг биридир. Техникаларнинг тақдимотига бағишланган маросимда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви ва масъул таркибий бўлинмалари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда янги темир йўл техникаларининг ҳаётга татбиқ этилиши юкларни ташиш жараёнида ғоятда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Айтиш керакки, ушбу техникаларнинг амалиётда қўлланилиши «Трансмашхолдинг» акциядорлик жамияти билан ишончли ҳамкорликнинг муваффақиятли самарасидир.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу турдаги электровозларни сотиб олишдан олдин соҳа мутахассислари мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида махсус техник синовларни ўтказдилар. Локомотивлар бу синовлардан ишончли ўтиб, поездлар мураккаб тоғли ҳудудларда кўнгилдагидек ҳаракатланди. Тадбирда шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг локомотив паркида модернизация қилинган иккита локомотив ҳам иштирокчилар эътиборига тақдим этилди. «Ўзбекистон» локомотив депоси жамоаси 3ВЛ80с-2425 серияли электровозни ва ТЕМ2-6606 манёврли тепловозни мукаммал таъмирлашга муваффақ бўлдилар.

Тадбир давомида соҳа мутахассислари Германиянинг KIROW ARDEL GmbH заводида ишлаб чиқарилган кўп вазифаларни бажаришга мўлжалланган узун ўқли махсус MULTI TASKER KRC 1200UZ русумли краннинг ишлаш функциялари ҳақида ҳам маълумот бердилар. Лейпциг шаҳридан Тошкентга келтирилган ушбу кўтарма механизмнинг оғирлиги 175 тоннани ташкил этади. Кран 150 тонналик юкни кўтариш қувватига эга. Ушбу қудратли ускуна ёрдамида фавқулодда хавфли ишларни бажариш жуда осон кечади, айниқса, йўл ва кўприк қурилиши ишларини бажаришда, шунингдек, темир йўлларнинг авария ҳолатини яхшилашда сифатли кўмак кўрсатади.

**Ўз мухбиримиз.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**Бош директор – Дилшод Жалолов**

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таниқулова**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-753.
2170 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов.
**Навбатчи** – Б. Гулямов.

ЎзА якуни – 04.20. Топширилди – 05.00.

1 2 3 4 5